Иқтисодий таълимотлар тарихи

2-МАВЗУ

ҚАДИМГИ ШАРҚ, АНТИК ДУНЁ, ФЕОДАЛ ЖАМИЯТИ ВА ИЛК КАПИТАЛИЗМНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИ

1-маъруза

Режа:

1-маъруза

1. Қадимги шарқдаги иқтисодий ғоялар.
2. Антик дунё иқтисодий қарашлари.

1. Қадимги шарқдаги иқтисодий ғоялар

- Иқтисодий фан манбаларини аввало жаҳон цивилизациясининг бешиги бўлган қадимги Шарқдан изламоқ мантиқан тўғридир.
- Иқтисодий ғояларнинг шаклланиши инсониятнинг пайдо бўлиши билан бошланган. Аммо ҳозирги пайтда қўлёзмаларда акс эттирилган ғояларгина таҳлил қилинган. Шу сабабли иқтисодий таълимотлар тарихи қулдорлик жамияти, аниқроғи, хусусий мулк пайдо бўлиши билан бошланади, дейиш ўринлидир.

Дастлаб қулдорлик жамияти Шарқда синфий ажралиш бошланган жойларда, Месопотамия (Тигр ва Эфрат дарёлари оралиғида) ва Мисрда эрамиздан аввалги IV минг йилликда юзага келади. Бунга асосий сабаб шуки, бу ерда технологик инқилоб рўй берди, металл қуроллар ишлатила бошланди, қишлоқ хўжалигида интенсив, кўп ҳолларда суғорма деҳқончиликка ўтилди, шу асосда нисбатан турғун қўшимча маҳсулот олиш имкони туғилган. Оқибатда жамиятда меҳнат тақсимотини ривожлантиришга, кўпгина ҳунармандчилик соҳаларининг ажралиб чиқишига, синфий табақаланишга туртки бўлди.

Бу даврда қўшимча маҳсулот олишнинг асосий усули жамоага бирлашган деҳқонларни эксплуатация қилиш йўли билан рента - солиқ олиш (Осиёда) бўлса, қулларни беаёв ишлатиш билан ҳам (Европада) катта бойлик орттирилган. Шарқда давлатнинг иқтисодиётга аралашув даражасига қараб, айрим «эркин» аҳолининг аҳволи қулларникидан деярли фарқ қилмаган (умуман, Шарқ мамлакатларида қулчилик масаласи ҳали узил-кесил ҳал этилган эмас). Академик В.В.Струве уни тан олади. Лекин кўпгина олимларнинг фикрича, Шарқда қулдорлик классик шаклда ривож топмаган, патриархал, яъни уй хўжалигида устун бўлган.

Шарқ, жумладан Марказий Осиё мамлакатларидаги хўжалик фаолиятида нисбатан эркин одамлар иштирок этган. Масалан, деҳқончилик, ҳунармандчилик, қурилиш соҳасида қуллар меҳнатидан фойдаланилмаган. Антик дунё (Ғарбий европа)даги айрим минтақаларда халқаро савдони олиб бориш билан боғлиқ равишда товар-пул муносабатлари ҳам анчагина ривожланган (масалан, Грециянинг айрим шаҳарлари). Шу асосда қулчиликка асосланган хусусий мулкчилик ривож топди. Ўз маҳсулотини сотишга мўлжаллаб ишлаб чиқарган қулчилик хўжаликлари эксплуатацияни кучайтиришни талаб этган. Оқибатда классик ёки антик қулчилик юзага келди (Греция ва Италия).

- Бизгача етиб келган энг қадимги қўлёзмада (Қадимги Миср, эрамиздан аввалги XXII аср) ноиб ва аҳоли ўртасидаги муносабатлар тўғрисида фикр юритилади. Бу даврда синфий ажралиш тўла шаклланмаган бўлиб, бошқарув ишига ишбилармонларни таклиф этиш (юқори табақали ёки оддий аҳолидан бўлишидан қатъий назар) керак дейилган.

Қадимги Мисрдан фарқли равишда Месопотамияда хусусий мулкчилик ва товар-пул муносабатларининг нисбатан тез ривожланиши характерлидир. Инсон шахси озодлигининг кафолати йўқ бўлган ўша шароитда қарздор қулчилик хўжалик ривожига олиб келар эди. Бундай жараёнлар солиқ тўловчилар ва ҳарбийлардан ажралиб қолиши мумкин бўлган давлатнинг кучсизланишига олиб келган. Сақланиб қолган ёдгорликларда, ёзма қонунларда иқтисодий ғоялар ҳам мавжуд, унда мустақил ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тартибга солиш бўйича муҳим фикрлар берилган. Эрамиздан аввалги XVIII асрда Бобил (Вавилон) да (м.а.1792-1750 йй.) подшолик қилган Хаммурапи (баъзи манбаларда Хаммураби) қонун тўпламлари (жами 282 та) диққатга сазовор (м.а.1760 й.).

Бу тўплам 1901-1902 йй. Суза шаҳри қолдиқларини археологик қазиш пайтида топилган. Тошга ўйиб ёзилган муҳим ва қадимий, тарихий ҳужжатни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, мавжуд давлат синфий ва социал жиҳатдан анча мукаммал ажралган. Биз учун айниқса мулкчилик ва унга эгалик шакллари муҳимдир. Қонунда «кучлилар заифроқларни чекламаслиги керак» деган қоида бор. Масалан, қарздорлиги учун подшо жангчилари ва бошқа аҳолининг ерларини сотиш ёки тортиб олиш манъ этилган. Судхўрлик фаолияти чекланган, унинг миқдори пулда 20, маҳсулотда 33 фоиздан ортиқ бўлмаслиги керак.

Асосий мақсад ишлаб чиқаришни, биринчи навбатда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўлган, яъни меҳнатсиз даромад топишга қарши курашилган. Қарзни қарз ҳисобига уч йилдан ортиқ ушлаб туриш мумкин бўлмаган. Умуман, хусусий мулкчилик, шу жумладан ерга ҳам тан олинган. Бировнинг хусусий мулкига кўз олайтирган, унга зарар етказганлар иқтисодий жиҳатдан жазоланган. Бу қонунлар тўплами давлатнинг мамлакатни иқтисодий бошқариш соҳасидаги дастлабки тажрибасини кўрсатади. Оқибатда шу даврда мамлакат ҳам сиёсий жипслашди, ҳам иқтисодий равнақ топди.

Қадимги Ҳиндистоннинг «Ману қонунлари»да (м.а. IV-III асрлар) ижтимоий меҳнат тақсимотининг, ҳукмронлик ва бўйсуниш институтларининг мавжудлиги айтилади.

Ҳиндистондаги иқтисодий ғояларни акс эттирувчи қадимги ёдгорлик «Артхашастра» (м.а. IV-III асрлар оралиғида)дир (том маъноси бўйича ифода, амалий ҳаёт тўғрисидаги фан, бу асар м.а. III-II асрларда тўлдирилган). Бу қадимий ва муҳим тарихий ёдгорликдир (у Чандрагупта I подшолиги даврида подшо маслаҳатчиси Каутиле Бишнугупта томонидан ёзилган деган фикр бор). Унда қулчиликни мустаҳкамлаш асосий вазифа қилиб қўйилган. Қулчилик энг паст табақаларга хос нарса деб саналади. Бу асарда «буюмнинг қиймати» муаммоси кўтарилган, қиймат миқдори «иш кунлари» билан белгиланган, рағбатлантириш эса меҳнат натижаларига мос равишда белгиланиши керак, дейилган.

- Бу асарда давлатни бошқариш бўйича таклифлар берилган бўлиб, бир қанча иқтисодий ғоялар ҳам илгари сурилган. Масалан, унда маҳсулотнинг бозор баҳоси билан унинг табиий қиймати ўртасидаги фарқ айтилган. Товарга бўлган эҳтиёж ортганда, унинг баҳоси қийматдан ошиб кетиши мумкин, дейилган. Савдо билан шуғулланувчиларга алоҳида урғу берилган бўлиб, фойда масаласи кўтарилган, фойданинг миқдори товар баҳосига (бошқа харажатлар қаторида) қўшилиб, маҳаллий маҳсулот учун 5, четдан келган товарлар учун 10 фоиз (импорт ўша даврда ҳам афзал) қилиб белгиланган.

Давлатнинг иқтисодий ишларга аралашуви қўллаб-қувватланган. Қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор берилган, бўш ерлар халққа бўлиб берилиши ва солиқ тўлаш зарурлиги, суғориш иншоотлари қуришга эътибор ҳақида сўз юритилади. Умуман, давлат мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириши керак, деган ғоя марказий ўринни эгаллайди. *(Ҳозирги даврдаги Ж.М.Кейнс ва институционализм тарафдорлари фикри билан мос.)*

- Молия соҳасида даромад солиғига катта эътибор берилган. Давлат баъзи ишларни ривожлантириши учун моддий ва маънавий ёрдам бериши керак, дейилган. Маҳсулотга баҳо белгилаш, давлатнинг бойишини таъминлаш (фойдани ошириб, сарф-харажатни камайтириш), ҳисоб-китобни тартибга солиш, ҳар хил ўғирликларга қарши курашиш кераклиги белгиланган. Шу тамойилларни амалга ошириш туфайли жамиятдаги норозилик, тенгсизлик йўқолади, дейилган.

«Авесто»

- Зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлган «Авесто» яъни «ҳаёт йўриқномаси» (асли «Оваста») да ҳам муҳим иқтисодий фикрлар баён этилган.
- Жумладан, сунъий суғориш асосида деҳқончилик юритиш, она табиатни эъзозлаш, ҳайвонларни асраш, ноўрин сўймаслик, унга зуғум қилмаслик, тупроқ шароитини яхшилаш масалалари ёритилган. Бу китоб эрамиздан аввалги II минг йиллик охири - I минг йиллик бошларидаги воқеаларни акс эттиради ва жуда қадимий ёдгорликдир (2700 йиллиги байрам қилинди).

- Бу диннинг таъсир доираси жуда кенг бўлиб, ҳозирги Эрон, Марказий Осиё, Кавказорти юртлари (айниқса Озарбайжон) ва бошқа жойларда тарқалган. М.а. II минг йиллик охири - I минг йиллик бошида пайдо бўлган «Авесто»нинг тўлиқ асл нусхаси сақланмаган, унинг айрим қисмлари топилган, у қадимий парфян, оромий ёзувида битилган, ҳозирги даврда рус ва ўзбек тилларига таржима этилган.
- Зороастризмнинг асосий ғояси дуализмга, яъни бир томондан Яхшилик ва Ёруғлик (худоси Ахура Мазда), иккинчи томондан ёвузлик ва Қоронғилик (худоси Анхра Ману) кучлари ўртасидаги курашдир.

- Инсон хўжалик фаолиятида табиий муҳит билан чамбарчас боғлиқ деб уқтирилади, аммо инсонга алоҳида эътибор берилади. Инсонга танлаш ҳуқуқи берилган бўлиб, у Яхшилик ёки ёмонлик томонларни олиши ва шунга мос ҳаракат қилиши кераклиги айтилади.
- Яхшилик одамининг фаолияти яхши ғоя, яхши сўз ва яхши ишлар билан боғланган бўлиши керак. Моддий бойликларни кўпайтириш ёруғ дунёдаги яхши ишларнинг асосийси ҳисобланган. Шу сабабли «Авесто» матнларида натурал-хўжалик фаолияти кенг тарғиб этилиши ва амалий маслаҳатлар берилиши тасодиф эмас.

- Авестода «Ўз ҳаёти давомида гўзаллик ва яхшилик, нур ва қувонч йўлида хизмат қилган одам ҳакгўй, пок ва адолатли бўлиб, меҳмонларни беғараз кутган. Хотинини севиб ерни, молларни парвариш қилган, одамларнинг молу-мулкига кўз олайтирмаган, табиатни асраб-авайлаб ундан завқ олгани учун унинг жони ҳам битмас-туганмас роҳат ва фароғатга бурканади» деб ёзилади.

Кўчманчи халқларнинг асосий бойлиги бўлган моллар сонини сақлаш қўлланилиб, уларни бекордан-бекорга қурбон қилавериш қораланади. Бу ғоя айниқса илк зороастризмда кучли. Ҳайвонот дунёсини асраш, унинг сонини ошириш, сифатини яхшилаш (айниқса семиртириш) га алоҳида урғу берилган. Бунинг учун эса яхши яйлов, керакли қаров, ем-хашак билан таъминлаш энг яхши фаолият деб баҳоланади. Яхши ишларни амалга ошириш кучли ҳокимият билан бўлиши қайд этилади. Китобда ёзилишича, ҳайвонларни ўғирлаш ёки тортиб олиш, турар жойларни хонавайрон қилишдан асрашга интилиш Яхшилик ғалабасига олиб келади. Ана шу қоидаларга амал қилганларга яйловлар бўйлаб эркин ҳаракат қилишга ваъда берилади, чунки табиий яйловлар чекланган шароитда бу «эркин ҳаракат» таъминоти муҳимдир, акс ҳолда ўзаро тўқнашув ва урушлар рўй берган.

Маълум қонун-қоидаларга бўйсуниш кучли ҳокимият ва мўътадиллик билан боғлиқ эди. Ўзаро шартномаларга бекаму-кўст амал қилиш зарурлиги, айниқса ўзаро моддий ёрдам бериш кераклиги тарғиб этилади.

Авесто маълумотларига қараб шу даврдаги жамиятнинг ижтимоий аҳволини билиб олиш мумкин. Бу даврда уруғ жамоаси емирилиб, дастлабки синф (каста)лар пайдо бўлганлиги аёндир, улар коҳинлар, ҳарбийлар, чорвадорлар ва ҳунармандлар, демак, илк синфий жамият юзага келаётган давр бўлган. Аҳоли кўпроқ ярим кўчманчилик асосида кун кечирган. Экстенсив чорвачилик етакчи эди.

Идеал ҳаёт тарзи қуйидагича талқин этилган бўлиб, унингча ердан шундай жойни топиш ёки яратиш керакки, у ерда кўп овқат пиширилиши, доим катта бўлак гўшт тегиши, отлар пишқириб туриши, от-арава ғилдираклари жаранги чиқиши, қамчилар доим кўтарилиб, овози чиқиб туриши, одамлар жағи тинмайдиган (овқат ейишда), зираворлар етарлича яшириб қўйилган, хушбуй ҳидлар аримайдиган, яхши ҳаёт учун керакли барча нарсаларни истакка қараб кўп миқдорда сақланадиган омборлар бор жой тушунилган.

«Авесто» бўйича турли табиий офатларга қарши заҳира озиқ-овқатлар барпо қилиш қўллаб-қувватланади (Конфуцийлик ва бошқа таълимотларда ҳам бу ғоя катта ўринни тутади).

- «Авесто»нинг ёзилиши жиҳатидан кейинги даврга мансуб фикрларда, масалан, чорвадорлар ҳамкори Йим тўғрисидаги афсонада «олтин аср»даги мол-қўйларнинг мўл-кўллиги ҳақида сўз юритилади. Йимнинг хизмати улуғланиб, кучли совуқ, қор ва сув тўфонидан ҳайвонлар ва одамларни қутқариш учун «вару» (қўрғон) қурдириб, унга сув ўтказади, майда ва йирик моллар, одамлар, ит, қуш, барча ўсимликлар уруғи ва ёниб порлаб турган оловни келтиради. Одамлар учун турар жой, ҳайвонлар учун молхоналар қурилгани айтилади.

«Авесто»нинг 3-боби (фаргард) «Вандидот» бўлиб, нисбатан кейинги давр воқеаларини акс эттиради, унда асосан деҳқончилик ва деҳқон меҳнати улуғланади (аввалги бобларда чорва етакчи эди). Эндиликда кўпроқ экин экиладиган, дон, ўт, мевали экинлар ўстириладиган, сувсиз жойларни суғорадиган, суви ортиқча ерлар қуритиладиган (суғориш билан бирга зах қочириш) жойлар мақталади, ҳатто ерларга кўп гўнг солиниши, бунинг учун эса кўпроқ кичик ва катта қорамоллар боқиш тавсия этилади. Бунда жуда катта табиий мантиқ борлиги аниқ кўриниб турибди.

Китобнинг бу бобида деҳқончилик ва айниқса дон экиш, ғаллакорлик улуғланади. Аҳолини қунт билан дон етиштиришга ундалади, ҳатто ғаллакорлар эътиқодни олға сурувчилар деб талқин этилади. «Деҳқончиликсиз мўл-кўлчилик йўқ», деган ақида илгари сурилади (*физиократизм таълимотига ўхшаш*). «Кимда-ким заминни чап ва ўнг қўл билан, ўнг қўл ва чап қўл билан шудгор қилса, замин унга фаровонлик бахш этади. У гўзал ва покиза қизга ўхшайди. Бу қиз эр хонадонига кириб бориб, ўз тўшагидан ҳалол ёстиқдошига фарзандлар туғиб беради. Замин ҳам мўл-кўл мевaларини инъом этади», дейилган, бунда ерни тобора маданийлаштириш ва ундан кўпроқ наф олиши ҳақида гап боради.

- Хўжаликнинг барча тармоқлари орасида ғаллакорликка энг юксак баҳо берилади. Зороастризм қашшоқликни йўқотиш ёки унга йўлиқмаслик учун зироатчиликини ривожлантириш, янги ерларни очиш бўйича фаол сиёсат олиб бориш кераклигини уқтиради. Аммо инсон ерни ташласа, унга қарамай қўйса, ундай одам ўзгалар эшиги олдида турган доимий гадойга айланади, дейилган бу китобда.

- Аскетизм тўғридан-тўғри қораланади, чунки бу одат ёмонлик билан курашда инсоннинг куч-қудратини сусайтиради. Овқатни кам истеъмол қилган одам на дин, на хўжалик ишлари, на фарзанд кўпайтириш фаолияти билан керакли даражада шуғуллана олмайди; инсонлар сонини кўпайтириш ҳам муҳим вазифа деб белгиланган, чунки фарзандлар оила бойлигини кўпайтиради, Яхшилик ғалабасига кўмаклашадилар. Бу ғояларнинг аҳамияти ҳозирги кунда ҳам жуда муҳимдир.

Бу дин ҳозирги Марказий Осиё, айниқса Қадимги Эронда кенг тарқалди, давлат динига айланди. М.а. VI-V асрларда Дарий I подшолиги йилларида Эронда, кейинчалик бошқа давлатларда тарқалди. Ислом динигача бўлган даврда республикамиз аҳолисининг асосий қисми бу динга эътиқод қилган, унинг айрим қолдиқлари ҳали ҳам қайд этилиб туради (келин-куёвларни олов атрофида айлантириш, вафот этганларга чироқ ёқиш ва бошқалар).

Конфуцийлик

Қадимги Хитойдаги иқтисодий ғоялар м.а. VI-III асрларда шаклланган. Бу мамлакатдаги дастлабки қулдорлик давлатлари э.а. II минг йилликда пайдо бўлган. Конфуцийлик ғояси муҳимдир. Унинг муаллифи Конфуций ёки Кун-Цзи (м.а. 551-478 йй.) «Лун юй» тўпламида («Суҳбатлар ва мулоҳазалар») ўз ғояларини жамлаган. Олим келажак ривожини ўтмишдан излайди. Шу даврда обрўси пасайган зодагонларнинг манфаатини ҳимоя қилади (бу ғоялар кейинчалик Кен-Цзи (м.а.312-289 йй.), Сюн-Цзи (313-278 йй.) ва бошқалар томонидан давом эттирилган). Ёшларнинг қарияларга ҳурмати, уларга қарши чиқмаслик ғояси асос қилиб олинган. Давлат бу катта оила, подшо эса «халқлар отаси»дир, бойликлар нисбатан текис тақсимланиши керак, солиқларни меъёрида сақлаш, ер ишларини яхши бажариш, ҳаммани ўз вазифаларини бажонидил ато этиши зарур дейилади («Халқлар отаси» тушунчасининг ибтидосига эътибор беринг).

Бу ғоялар Хитойдаги муҳим иқтисодий ўзгаришлар даврига тўғри келади. Темир қуроллар туфайли деҳқончилик ва ҳунармандчилик ривож топди, товар-пул муносабатлари ўсди, савдо-сотиқ кучайди. Синфий муносабатлар кескинлашди. Шу шароитда конфуцийлик ижтимоий, аҳлоқ ва ҳуқуқ доирасида табиий ҳуқуқ назариясини илгари сурди. Мамлакатдаги аристократия ва халқ ўртасида вужудга келган қулдорлик ва хусусий мулк ҳимоя қилинади. Конфуций «буюк жамоа мулки» (деҳқонлар жамоаси) ва хусусий эгалик (қулдорлар мулки)ни фарқлайди, сўнггисини кўпроқ қўллайди. Жамиятнинг турли қатламлари худо томонидан белгиланганлигини таъкидлайди ва уни табиий ҳол, дейди. Бойликнинг манбаи меҳнат бўлиб, ҳокимлар бойлиги халқ бойлигига асосланади. У халқ ҳисобига қулдорлар бойлиги ортиши тарафдори эди, халқни кўпроқ ишлаб, камроқ истеъмол қилишга чақирди.

- Сюн-Цзи давлатнинг иқтисодий жиҳатдан кучайиши тарафдори эди, одамларнинг бойликка интилишини қораламаган (улар қонун асосида иш юритишса бас). Аммо инсон бир вақтнинг ўзида кўп касб эгаси бўла олмайди, деган фикр пайдо бўлди, яъни олим меҳнат тақсимоти зарурлиги ғоясини илгари суради

Давлатнинг иқтисодий сиёсати учта асосий тамойилга асосланиши керак:

- Харажатларни иқтисод қилиш, яъни тежаб-тергаб сарфлаш;
- Халқ тўқлигини таъминлаш;
- Ортиқча маҳсулотларни сақлаш зарурлиги.

Етарлича таъминот тамойили инсоннинг жамиятдаги ўрнига боғлиқ ҳолда белгиланган (яъни синфийлик тамойили мавжуд). Эксплуатация қўллаб-қувватланади, жамиятда ҳамманинг ўз аниқ жойи бўлиши керак, дейилган, яъни ҳукмдор, тобеъ, ота, ўғил. Бошқариш маълум қонун асосида эмас, балки оддий одат бўйича бўлиши, оғир солиқ ва мажбуриятлар бўлмаслиги таъкидланади.

«легист»лар

Милоддан аввалги VI-III асрларда «легист»лар (қонуний) оқими пайдо бўлди, улар бошқаришни аниқ қонунлар асосида (оддий одатларга қарши) олиб бориш тарафдори эдилар (намояндалари Цзи-Чап, Ли-Куй), марказий давлат кучли, мамлакат эса ягона бирлашган бўлишини қўллаб-қувватлашган. Легистлар (Шан Ян) айниқса қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик, дончиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор беришган. Дон масаласини ҳал этиш бош масала деб билинган. Шан Яннинг фикрича, давлат равнақи учун икки масалани ҳал этиш зарур: дон ва уруш (атрофдаги ерларни босиб олиш).

- Деҳқонлар рўйхатини ўтказиш, қонун йўли билан йиғилган дон миқдорига боғлиқ ягона солиқ тизимини киритиш таклиф этилади. Қонун йўли билан турли «ишёқмаслар»ни «ерга қайтариш», яъни деҳқончилик билан шуғулланишга, яъни меҳнат қилишга мажбур этиш сиёсатини қўллаш керак деганлар (Хитойдаги 1960 йиллар давомида рўй берган маданий инқилоб даврида шу сиёсат амалга оширилди). Ундан ташқари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилишни қатъий чеклаш ҳам талаб қилинган (гўёки савдогарлар бундан катта фойда олишлари мумкин). Савдогарлар савдони ташлаб, деҳқончиликка интилишлари керак. Эркин соҳибкорлик тақиқланган, умумий ер эгалиги ва жавобгарлик жорий этилган(м.а.351 й.)

«Гуан-Цзи» асари

«Гуан-Цзи» (м.а. IV а.) асарида ҳам хўжаликни давлат томонидан тартибга солишнинг тизимлари анча мукаммал баён этилган. Бунда легистлардан фарқли, товар-пул муносабатларини чеклашга интилмасдан, бу муносабатларни ўрганиб, ундан хўжаликни барқарорлаштиришда маълум механизм сифатида фойдаланиш таклиф этилади. Халқ хўжалигини барқарор сақлаш учун товарлар баҳоларини ушлаб туриш ғояси илгари сурилади. Давлат ҳокими нон, пул, металлни тартибга солиш йўлини қўлида сақласа, мамлакат ривожи нисбатан текис боради, дейилган. Бу асарда ҳам аграр соҳа, айниқса дончиликка алоҳида урғу берилган.

Агар легистлар ҳунармандчилик, айниқса савдони бефойда соҳа деб ҳисоблаган бўлсалар, бу асарда эса ўша соҳаларга ҳам ижобий баҳо берилган. «Ерни бошқариш» учун давлат ернинг табиий хусусиятларини яхши билиши керак. Ер майдонлари нисбатан текис тақсимланиши зарур, деҳқонларни иш қизиган даврда бошқа юмушларга жалб этмаслик, солиқ тизими шароитига қараб (ер унумига боғлиқ равишда) бўлиши таклиф этилган. Бу ерда гап ер кадастрини тузиш тўғрисида боради, яъни бу ишда ҳисоб-китоб бўлиши қайд этилади. Асарда ер ва сувларни давлат ихтиёрига ўтказиш ва улардан даромад йўлида фойдаланиш, баҳоларни тартибга солиш йўли ва бошқа кўпгина иқтисодий ғоялар илгари сурилади. Бу ғоялар амалда ҳам қўлланилди ва яхши самара берди.

даосизм

Қадимги Хитой ижтимоий ҳаётида даосизм (айнан - йўл) ғоялари алоҳида ўринни эгаллайди, унинг асосчиси Ляо-Цзи бўлиб, Конфуций даврида яшаб, ижод этган (э.а. IV-III асрлар). У тақиқловчи қонунларга амал қилмасликни таклиф этди, қонунлар кўплиги туфайли «халқ камбағаллашмоқда», деган эди у. Даосизм ғоялари конфуцийликка қарама-қарши бўлиб, инсоният аввалги мажбуриятларидан воз кечиши, оддий табиий ҳаётга қайтиши керак, деган фикрни илгари суради.

Бу ғояга кўра инсон ибтидоий даврга қайтиши, янги меҳнат қуролларидан фойдаланмаслиги керак. Кўриниб турибдики, унда реакционлик элементлари бор, аммо бу ғояда халқ оммасининг норозилиги ҳам акс этган, чунки цивилизация ютуқлари эксплуатация манфаатларига ҳам хизмат қилаётган эди. Бунда курашдан воз кечиш, давлатнинг халқ ҳаётига аралашувини инкор этиш фикрлари устун келган.

2. Антик дунё иқтисодий қарашлари

Қадимги Юнонистондаги иқтисодий таълимотлар. Юқорида қайд этилганидек, антик дунё мамлакатларида қулдорлик классик шаклда ривож топди, м.а. II-I минг йилликлар даврида шаклланди. Қадимги Греция (Юнонистон) да ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида қулдорлик бевосита ишлаб чиқарувчиларни эксплуатация қилишнинг асосий шаклига айланган эди. Ишлаб чиқариш асосан қулдорлик муносабатларига асосланиб олиб борилди, қул асосий ишлаб чиқарувчи куч ҳисобланган.

Дастлабки иқтисодий ғоялар Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея» поэмаларида акс эттирилган бўлиб, иқтисодиётнинг натурал хўжалик концепцияси илгари сурилган. Юнон шоири Гесиад (м.а.8-7 асрлар) нинг «Меҳнат ва қонунлар» асарида бойликнинг кучи, ҳокимияти акс эттирилган. У деҳқончиликни улуғлайди, бу соҳада қисман қуллар меҳнати ҳам ишлатилган. У даврда оддий халқ орасида меҳнат анча қадрланган. Қулчилик офатининг босиб келаётганлигидан хавфсираган шоир гўёки илгари ҳукм сурган «олтин аср», ижтимоий жабр ва оғир жисмоний меҳнатга эҳтиёж бўлмаган даврни ҳам ёритган.

Милоддан аввалги VII-VI асрларда полис (шаҳар) системаси шаклланиб бўлгач, қулчилик кенг тус олади, уруғчилик мулки хусусий мулкчилик томонидан сиқиб чиқарилади, савдо, судхўрлик тез ривожланади. Солон (м.а. 640/635-559 йй.) ислоҳотлари пул хўжалигининг афзаллигини кўрсатиб берди (м.а. 594 й.). Ислоҳот туфайли қулни қарзга бериш тақиқланди. Афинада Перикл (м.а. 444/443-429 йй.) томонидан олиб борилган ишлар муҳим аҳамият касб этди. Қурилиш, ҳунармандчилик, савдо ўсди. Шу даврда фуқаролар ва фуқаро бўлмаган аҳолини бир-бирига қарама-қарши қўядиган қонунлар қабул қилинди. Бу ишлар қулларни ҳунармандчилик ва савдо соҳаларида беаёв эксплуатация қилиш, савдо ва пул хўжалигини ривожлантириш ҳисобига амалга оширилди.

- Қулчилик ўз табиатига кўра инсонга ёт, у мажбурийликни талаб этган, оқибатда маълум даврдан инқирозга учрай бошлаган. Шу даврда иқтисодий ғоялар тобора реакционлашиб, давлатни, аристократияни ҳимоя қилиш, натурал хўжаликни ёқлаш йўлини танлайди, яъни синфий характерга эга бўла боради. Бу йўналиш Ксенофонт (тахминан м.а. 430-354 йй.), Платон (Афлотун, тахминан м.а. 427-347 йй.), Аристотель (Арасту, м.а. 384-322 йй.)ларнинг иқтисодий қарашларида яққол намоён бўлди.
- «Экономия» сўзи («ойкономия»: - «ойкос» - уй, хўжалик ва «номос» - қонун, қоида) том маънода уй хўжалиги тўғрисида қоида мазмунига эга бўлиб, Ксенофонтнинг махсус асарининг сарлавҳаси бўлган.

Ксенофонт

Ксенофонт қулдорлар мафкурасининг ҳимоячиси ҳисобланади, қулчиликни табиий, объектив жараён деб баҳолайди, қул меҳнатига асосланган натурал хўжаликни улуғлайди. У айниқса қишлоқ хўжалиги, деҳқончиликни фаровонлик манбаи деб билган. Деҳқончилик туфайли одамлар ўзларига ҳаёт учун керакли ҳамма нарсани оладилар. Далада ишлаш соғлиқ учун ҳам фойдали (тоза ҳаво), ҳам иқтисодий наф келтиради.

Ксенофонт раҳбарлар ва ижрочилар меҳнатини фарқлайди. Унингча ижрочилар жисмоний меҳнат билан шуғулланадилар. Раҳбарлар меҳнати билан эркин одамлар, жисмоний меҳнат билан эса қуллар банд бўлишлари керак. Хўжалик фаолияти давомида фойдали буюмлар, яъни истеъмол қийматлари яратилади.

Қадимги юнон олимлари ичида биринчи бўлиб, меҳнат тақсимотининг аҳамиятини тушунди, кўпроқ, ортиқча фойда олиш, «хўжаликни бойитиш» учун қуллар талабини имкон борича камроқ қондиришни тавсия этган. Меҳнат тақсимоти билан бозор катталиги, маҳсулотнинг алмашув қиймати орасида узвий боғланиш борлигига эътибор берган. Пулнинг муомала воситасидан ташқари, капитал сифатида жамғариш функциясини ҳам тан олган.

Платон (Афлотун)

Платон «Давлат» ва «Қонунлар» асарларида идеал давлат қандай бўлиши кераклигини очиб бермоқчи бўлди. Унингча бу даврда хусусий мулк ва эркин хўжалик ташаббусига ўрин йўқ. У аҳолини уч тоифага ажратган:

- **Файласуфлар** - давлатни бошқарувчилар;
- **Ҳарбийлар** - давлатни бошқариш аппаратининг бир қисми бўлиб, улар бирор мулк эгаси бўлиш ҳуқуқига эга эмас, истеъмол қилиш эса ижтимоий характерга эга бўлиши керак.
- **«Қора» тоифа** - деҳқон, ҳунарманд ва савдогарлардан бўлиб, улар мулк эгаси бўлиши керак.

Платоннинг меҳнат тақсимоти, товар, пул ва савдогарларнинг ажралиб чиқиши ўртасидаги алоқадорлик тўғрисидаги фикрини ўша давр учун буюк кашфиёт деб баҳолаш мумкин. Аммо Афлотун қулчиликка асосланган натурал хўжаликни ҳимоя қилди, Платон пул функциясини муомала доирасидагина деб билишга ҳаракат қилди, пулни жамиятдаги душманликнинг бош сабабчиси деб билди; у судхўрлик операцияларини инкор этди ва баҳоларни меъёрда сақлаш йўли билан савдогарларнинг фойдасини чегаралашни талаб қилди.

Афлотун қулларни фуқаролар деб тан олмади ва уларни бирор тоифага киритмади (демак, улар мулк эгаси ҳам бўлиши мумкин эмас). Қуллар майда ишлаб чиқарувчилар ва савдогарлар билан бирга 2-тоифа аҳлининг чекланмаган талаб-эҳтиёжларини тўла-тўкис қондиришлари керак эди. Шундай қилиб, Афлотун ўзининг идеал, яъни бекаму-кўст давлатини барпо этар экан, қулчиликни абадий сақлаш тарафдори эди.

Аристотел (Арасту)

Аристотел қадимги Грециядаги қулдорларнинг энг йирик мафкурачиси эди. Уни жаҳонгир Искандар Зулқарнайннинг тарбиячиси ва ўқитувчиси эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Аввал Македонияда яшаган олим, кейин Афинага кўчиб ўтган. Олимнинг иқтисодий ғоялари «Никомахов аҳлоқи» ва «Сиёсат» китобларида мавжуд.

У «Қул - тирик қурол, қандайдир тирик мулк» деган эди. Унинг фикрича, жамиятнинг қулдор ва қулларга бўлиниши - бу табиий ва қонуний аҳвол бўлиб, одамларнинг табиатан турли-туманлигидандир. У «ҳақиқий бойлик» (табиий) ни тан олган, уни истеъмол қийматларининг йиғиндиси деб билган ва бу билан боғлиқ фаолиятни иқтисодиётга тегишли соҳа деб билган. Қулдорлик хўжалигини мустаҳкамлаш учун ўртача таъминланган қулдорлар синфини юксалтириш керак, бунинг учун давлат томонидан одил алмашинувни таъминлаш зарур.

Олим масалани аҳлоқий равишда ҳал этишга уринса-да, биринчи марта алмашув қийматини таҳлил этди ва қийматнинг меҳнат назарияси куртакларини яратди. Товарларнинг алмашув қиймати товар баҳосининг яратилиш шакли эканлигини тушуниб етди. К.Марксннинг формулаларини қўллайдиган бўлсак, Т-Т муносабати Т-П-Т га айланади.

Платонга нисбатан Аристотел пулнинг моҳиятини кенгроқ ва чуқурроқ англаб этди. Аммо у товар ишлаб чиқаришининг ривожланмаганлиги ва қийматни тўла тушунмаганлиги туфайли товарлар пул туфайли бир-бири билан солиштирилиши мумкин деган хато қисқача хулосаларга келди. Натурал хўжалик тарафдори бўлган олим муомаланинг Т-П-Т шаклинигина тан олган (талабни қондиришга мўлжалланган ҳолат), савдо ва судхўрлик табиатга зид бўлиб, буларни пул қилиш санъатига хос нарса деб билган ва уни хрематистикага тегишли деган.

Аристотел учун идеал хўжалик - бу унча катта бўлмаган деҳқончилик хўжалиги (унда албатта қуллар ишлаган) бўлиб, у деярли керакли барча маҳсулотни яратувчи (натурал хўжалик) бўлиши шарт эди. Айрим етишмаган нарсаларни эса қўшнилардан «одил алмашув» асосида олиш керак. Бу Аристотел олимнинг хизмати шундаки, у биринчилардан иқтисодиётнинг айрим категорияларини берди ва маълум даражада улар ўртасидаги ўзаро боғланишни аниқлади.

Қиймат иқтисодиётнинг асосий категорияси ҳисобланади. Тарихан уни талқин этишда икки йўналиш бор. Биринчи йўналишда товар қиймати объектив бўлиб, унинг манбаи шу товарни ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат ҳисобланади. Иккинчи йўналишда қиймат тушунчаси субъектив нарса бўлиб, одамлар томонидан товарнинг фойдалилиги бошқа бирон фойдалилик билан солиштириш туфайли юзага келади. Аристотелнинг ғояларида иккала йўналиш куртаклари мавжуд. У қиймат қонуни муаммосини қўяди, лекин унга тўла жавоб топа олмайди. У алмашувда товар қийматлари тенглаштирилишини кўради.

«Никомахов аҳлоқи» асарида у шундай фикр юритади: «Жамият икки врачдан ташкил бўлмайди, балки врач ва деҳқондан, умуман бир хил ва тенг бўлмаганлардан ташкил топади. Ана шундай одамларни бир-бирига тенглаштириш зарур. Шунинг учун алмашувга учрайдиган барча нарсаларни тенглаштириш, солиштириш зарур. Хуллас, ҳамма нарса бирор нарса билан ўлчаниши керак. Этикдўз маҳсулотининг деҳқон маҳсулотига, деҳқон маҳсулотининг этикдўз маҳсулотига бўлган тўғри муносабати, тўғри тенгламаси топилиши керак».

Лекин ўша нарса нима эканлиги айтилмайди. Саволга жавоб излаб у ўз фикрини шундай давом эттиради: «биз нима учун алмашамиз, чунки менга сенинг товаринг, сенга эса менинг товарим керак», деган оддий қисқача хулосаларга келади. Товарларнинг тенглиги пул туфайли амалга ошади, дейди у. Ҳамма нарса бирон нарса билан ўлчаниши керак. Бу аввало эҳтиёж, у барча нарсани боғловчи асос. Эҳтиёжни алмаштириш учун (одамлар келишуви билан) пул - чақа пайдо бўлди. Аристотелнинг бу фикрида ҳозирги замон маржинализм ғоялари ётади, яъни товарларнинг фойдалилиги асосий ўринга чиқади.

Бу олимнинг иқтисодиётни хрематистикага қарама-қарши қўйиши характерлидир. У ўйлаб топган «хрематистика» матни «хрема» сўзидан олинган бўлиб, мулк, эгалик мазмунига эга. Аристотел иқтисодиёт деганда ҳаёт учун зарур бўлган маҳсулотлар (истеъмол қийматлари) ни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган табиий хўжалик фаолиятини тушунади (деҳқончилик, ҳунармандчилик ва майда савдо). Бу алмашувни ҳам ўз ичига олади, аммо зарур шахсий талаб-эҳтиёжларни қондириш чегарасидан чиқмаслиги керак. Бу фаолият чегаралари ҳам табиий соҳа бўлиб, инсоннинг онгли шахсий истеъмоли доирасида бўлиши керак.

- Хрематистика эса «мулк орттириш санъати», яъни айниқса пул шаклида фойда орттириш, бойлик (пул) тўплашга йўналтирилган фаолиятдир. Бошқача айтганда, хрематистика - бу капитал қўйиш, судхўрлик ва жамғариш «санъати»дир.
- Антик даврда ҳали саноат капитали мавжуд эмас эди, аммо савдо ва судхўрлик (пул) капитали сезиларли ролни ўйнаган. Шуларни ҳисобга олиб, олим савдо билан боғлиқ бўлган мол-мулк орттириш санъатида мақсадга эришиш борасида ҳеч қачон чегара бўлмайди, чунки чексиз бойлик ва пулга эгалик асосий мақсаддир, дейди. Пул обороти билан шуғулланувчиларнинг ҳаммаси ўз капиталини чексиз ўстиришга интиладилар .

Аристотел буларни нотабиий деб ҳисоблаган, аммо соф «экономика» ҳам бўлмаслигини етарли тушунган, минг афсуслар бўлсинки, экономикадан доимо хрематистика ўсиб чиқади ва бу аста-секин табиий ҳолатга айланган. Аристотелнинг бу ғояси тарих синовидан ўтмади. Олимлар қанчалик уринмасинлар, хрематистикани қанчалик нотабиий деб ҳисобламасинлар, капитализм муносабатлари ривожи билан у «табиий ҳуқуқ»ка айлана бошлади. Ҳатто XVII-XVIII асрларда иқтисодий одам етишиб чиқди, унинг барча ҳатти-ҳаракатлари фақат бойиш билан боғлиқ эди.

«Экономия» сўзи дастлаб уй хўжалигини юритиш санъати сифатида юзага келган бўлса, кейинги даврда у кўпроқ ва асосан «экономика» маъносида қўлланилади ва одатда ҳаражатларни қисқартириш, маълум ресурсларни сарфлашда тежамкорликни англатади.

Ҳозирги даврда бу матн кўпроқ қуйидагиларни англатади:

1. Туман, ҳудуд, мамлакат, мамлакатлар гуруҳи ёки жаҳон хўжалиги (масалан, жаҳон иқтисодиёти, Ўзбекистон иқтисодиёти ва бошқалар);
2. Халқ хўжалигининг, тўла ишлаб чиқаришнинг айрим шарт-шароитлари ва элементлари (аҳоли, меҳнат, бошқариш ва бошқалар), айрим тармоқлар (саноат, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, таълим ва бошқалар) ни тадқиқ этадиган илмий соҳа;
3. Маълум иқтисодий тизимни ташкил этувчи ишлаб чиқариш, тақсимот, алмашув, истеъмол жараёнидан ташкил топувчи одамлар ўртасидаги маълум тарихий-иқтисодий муносабатлар мажмуаси.

Қадимги Римдаги иқтисодий ғоялар

М.а. III асрда Қадимги Римда қулдорлик муносабатлари ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилган эди. Римнинг бошқа ерларни босиб олиш учун олиб борган урушлари туфайли йирик империя юзага келди, кўплаб қабила ва халқлар қулликка маҳкум этилди. Асосан асирлардан иборат бўлган қулларнинг аҳволи Греция қулларинникидан оғирроқ бўлган. Яна бир ўзига хос хусусият шундаки, агар Грецияда қуллар кўпроқ ҳунармандчилик ва савдода эзилган бўлса, Римда қуллар асосан қишлоқ хўжалигида эксплуатация қилинган.

Ишлаб чиқаришнинг қулдорлик усулидаги қарама-қаршиликлар шу ерда энг кескин тус олди ва охир-оқибатда колонатнинг пайдо бўлишига олиб келди. Аҳолининг камбағал табақалари асрлар давомида ерга эгалик қилиш учун кескин кураш олиб бордилар. Бу ҳолат Римдаги иқтисодий ғояларга таъсир этмай қолмади, қулликка асосланган йирик латифундиялар билан бирга қулдорлик хўжаликлари - виллалардан самарали фойдаланиш муаммолари бош масала эди.

Шу даврдаги олим ва мутахассисларнинг асарларида бир қанча янги иқтисодий ғоялар илгари сурилди. Бу ғояларнинг ривожига эътибор берилса, қулдорлик тизимининг емирилиши билан унга бўлган муносабат ҳам ўзгарди. **Катон Старший** (м.а. 234-149 йй.) йирик ер эгаси бўлган, «Деҳқончилик» номли асарида у қулликка асосланган натурал хўжаликни ҳимоя қилди. Катон ўз талабларини ўзи таъминловчи ёки асосан истеъмол қиймати ишлаб чиқарувчи хўжаликларни тан олар эди (натурал хўжалик ҳимоя қилинади).

У фақат ортиқча маҳсулотнигина сотиш керак, хўжаликда ишлаб чиқариш мумкин бўлмаган нарсаларнигина сотиб олиш зарур, деган ғояни қўллайди. У қул меҳнати асосида хўжаликни юритишнинг янги услубларини ҳам ишлаб чиқди. Унинг фикрича, қуллар ёшлигидан сотиб олиниш керак, шунда қулларни тарбиялаш, ишга ўргатиш осон бўлади (ёши катталарда бу иш қийин кечади), қуллар орасида адоват уруғи сепилса, уларда эгасига нисбатан иғволар йўқолади. Қуллар қаттиқ интизом асосида ишлатилиши, арзимас гуноҳ учун жазоланиши, ишига қараб боқилиши ва кийинтирилиши таклиф этилади.

- Бу даврда натурал хўжалик билан бирга бозор муносабатлари ҳам ривожланаётган эди. Бозорни қўллаган Катон шу билан бирга ёлланма меҳнатга душман бўлган. У қул меҳнатини тўғри ташкил этишга алоҳида аҳамият беради. Байрам кунлари иш ҳайвонларига дам берилган ҳолда, қуллар ишлашга мажбур этилган. Касалланган ҳўкиз даволанган, қулни эса «эски арава» сифатида сотиб юбориш тавсия этилган.

Деҳқончиликда қул меҳнати тобора кам самарали бўлаётганлигини кўрган Катон яйлов хўжалигини, кейинчалик савдо ва судхўрликни қўллаб-қувватлаган. Қийматдан ортиқ маҳсулотни фойда деб билган ва уни тўла равишда ишлаб чиқариш ҳаражатларига қўшган (хато фикр). «Юқори фойда олиш учун юқори баҳолар куни келишини бамайлихотир кутиш керак», дейди у.

Деҳқонлар қўлидаги ерлар тортиб олиниб, йирик латифундиялар вужудга кела бошлади, эркин Рим аҳолиси, деҳқонлар ва армия солдатлари ерсизланди. Бу ҳолат йирик ер эгалари - патрицийлар ва деҳқон-плебейлар ўртасидаги қарама-қаршиликни кучайтирди, охир-оқибатда ака-ука Гракхларнинг аграр ислоҳотига сабаб бўлди. Улар ерсиз ёки кам ерли деҳқонларнинг йирик ер эгаларига қарши курашини ҳимоя қилдилар. Аммо бу ишни қулдорлик тузумини сақлаган ҳолда ва йирик ер эгаларини чеклаш йўли билан ҳал этмоқчи бўлдилар. Ер эгаларининг қўлидаги ернинг бир қисмини кесиб ва давлат фондидаги ердан фойдаланиб кам ерли деҳқонлардан озод деҳқонлар табақаси барпо этиш кўзда тутилган, энг муҳими бу тоифа қулдорларнинг ишончли таянчи бўлиши керак эди.

Ака-ука Тиберий ва Гай Гракхларнинг аграр ислоҳоти бўйича, давлат еридан фойдаланувчиларнинг ҳар бири 500 югер (125 гектар), ҳар ўғли учун 250 югер, аммо бир оила учун 1000 югердан ортиқча ер олиш тақиқланган. Ундан ортиқ ерлар мусодара қилинган ва 30 югердан бўлиниб, камбағал фуқароларга берилган, лекин бу ерни бировга сотиш ман этилган. Бу қонун қабул қилинди, аммо уни амалга оширишга йирик ер эгалари ва сенат қаршилик қилди.

Тиберий Гракх м.а. 132 йилда атайлаб ўлдирилди, Гай (укаси) Гракх м.а. 123-122 йй.да бу ислоҳотни амалга ошириш учун ишни давом эттирди, бир қанча демократик ўзгаришларни амалга оширди (Римда арзон нон сотиш), оқибатда 80 минг фуқаро ер участкаси олди. Ислоҳот вақтинча муваффақият келтирди, м.а. 111 й. давлат ерларини сотишга йўл берилди, ерлар хусусий мулкка айланди (м.а. 121 й.да Гай ҳам жангда ҳалок бўлган).

Қулдорлик тузуми инқирозга учраган ва тушкунликка тушган даврда римлик агрономлар Варрон (м.а. 116-27 йй.) ва Люсий Колумелла (I аср) лар қулдорлик хўжалигини расионаллаштириш муаммоларини ишлаб чиқдилар. Шу билан бирга олим ва археолог бўлган Варрон «Қишлоқ хўжалиги тўғрисида» деган китобида бу соҳанинг аҳамиятига катта ўрин беради, қишлоқдан шаҳарга интилганларни қоралайди. У деҳқончилик билан чорвачиликни бирга ривожлантиришни маъқул деб билади.

Варрон улар ўртасидаги «буюк иттифоқ» тарафдори эди. Бунинг асосий сабаби шундаки, Италияда дон нисбатан арзон эди, чорвачиликнинг фойдаси эса анча юқори бўлган. Шу билан бирга, Варроннинг фикрича, ҳар бир хўжалик ўз-ўзини таъминлаши керак, у бозор муносабатларига кам эътибор қилган, қуллар эксплуатацияси тарафдори бўлган ва уларни «гапирувчи қуроллар» деб билган. У қулларнинг сиёсий жиҳатдан хавфли эканлигини тушунган ва имениёларда бир миллатга тегишли қулларни кўп сақламаслик керак деб тавсия этган (чунки бирлашиб ҳаракат қилишлари осон).

Колумелла ўзининг қишлоқ хўжалигига оид йирик асарида қуллар меҳнатининг самараси пастлигини таъкидлайди (бировга ишлайди-да!). Унинг фикрича, қуллар ерни яхши ишламайдилар, ер юқори ҳосил бериши учун кайғурмайдилар. У эркин майда ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнати қулларникидан юқори бўлишини исботлаб берди, йирик қулдорлик латифундияларига нисбатан майда деҳқончиликни афзал деб ҳисоблади.

Бу даврда йирик латифундияларнинг инқирози аниқ бўлиб қолди, ривожланиш фақат экстенсив йўл билан борди, яъни ҳосил қўшимча ер ҳисобигагина ошди. Қуллар имкони борича ерни ишламасликка интилган. Колумелла бундай ерларни эркин колонларга бўлиб бериш яхшироқ самара беради, деган тўғри қисқача хулосаларга келди, унингча майда ишлаб чиқаришга ўтиш керак эди.

Цицерон Марк Туллий (м.а. 106-43 йй.) таниқли давлат арбоби ва машҳур нотиқ бўлган. У яшаган даврда давлат анча марказлашган бўлиб, савдо-сотиқ анча ўсди, судхўрлик бойиш манбаига айланди. У қишлоқ хўжалигини қўллаган ҳолда (чунки бу соҳа бозор учун ҳам маҳсулот етказар эди), йирик савдо ва судхўрликни бойиш манбаи деб ҳисоблади. Демак, Цицерон бошқалардан фарқли равишда қулдорлар билан бирга савдогар ва судхўрларнинг манфаатини ҳам ҳимоя қилди.

- Қулдорлик тузумининг ички қарама-қаршилиги тобора ўсди, қуллар қўзғолони рўй берди. Тарихда Спартак бошчилигидаги (м.а. 73-71 йй.) қуллар қўзғолони катта аҳамиятга эга, у беаёв бостирилган бўлса ҳам, тузум заминига жиддий зарба бўлди. Лусий Сергей Каталина м.а. 63-62 йй. камбағал аҳоли ёрдамида ҳокимиятни эгалламоқчи, қулчиликни йўқ қилмоқчи ва бойимоқчи бўлди, аммо унинг ҳаракатлари ҳам зое кетди.

- Янги эрамизнинг I-II асрларида Рим империясида нисбатан барқарорлик даври бўлди, лекин қулдорлик эксплуатациясининг самарасизлиги тобора аён бўлиб қолди, колонат ўсди. Аристотел ғояларида қулчилик табиий зарурат дейилган бўлса, эндиликда бунга шароит тақозоси туфайли келинган, деган фикрлар юзага чиқа бошлади.
- Лусий Анней Сенека (м.а.3-мил.65 йй.) қулчиликнинг сиёсий хавфини тушунди ва қуллар билан юмшоқроқ муносабатда бўлишни таклиф этди, улар ҳам табиатан озод одам эканлигини тан олдилар.

Шу даврда колонатга, крепостнойликка ўтиш кучайди. Ана шундай бир пайтда милоднинг I асрида (2-ярмида) янги диний мафкура - христианлик вужудга келди. Унинг асосий ақидалари Инжилда келтирилган. Бу муқаддас китобда бир қанча **иқтисодий ғоялар** ҳам берилган. Оддий хўжалик фаолияти (меҳнат) зарур ва улуғ иш деб қаралади. Дастлаб оғир қуллар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилган бу дин, бу аҳволдан қутулиш йўли юқоридан, худодан деб билган.

Ўша даврда бу диннинг бошқа динлардан афзаллиги шу бўлдики, халқлар ўртасидаги этник ва социал тафовутлар инкор этилди, дин олдида ҳамма баробар деб эълон қилинди. Кейинчалик бу дин бошқа тоифалар орасида ҳам тарқалди. Дастлаб христианлик мулки умумий бўлиб, эксплуатация инкор этилган, одатда садақа ҳисобига кун кўрилган. Биринчи христианлар таъқиб остига олинган, аммо 325 йили Никей Соборида христианликка Рим империясининг давлат дини мақоми берилди, оқибатда қулдорлик ва бўлажак феодал жамиятининг мафкурасига айланди.

Милодий йилнинг бошида илк христианликнинг иқтисодий ғоялари Аврелий Августин Блаженний (353-430) асарларида ҳам берилган. У ҳамманинг меҳнат қилиши зарурлигини, «ишламаган тишламайди» (апостол Павелнинг фикри) ғоясини илгари сурди (социализмнинг асосий тамойилини эсланг), деҳқончилик энг фахрий касб эканлигини айтди, савдони эса фақат фойда, наф олиш учун қилинадиган иш деб қоралади.

Ақлий меҳнатни жисмоний меҳнат каби баҳолаш муҳим эди. Аммо Августин қулларни озод қилишни қатъий талаб этган эмас, у диннинг бош вазифаси аҳолининг аҳлоқий такомиллашувига ёрдам бериш, деган қисқача хулосалар чиқарган. Бу динда одил баҳо тамойили, маҳсулотларни шахсий эмас, балки ижтимоий баҳолаш, мулк, бойлик ва бошқа кўпгина иқтисодий муаммоларга тегиб ўтилган. Августин Блаженний «Ғафлатда ётган халқни уйғотиш учун аввало унинг тарихини уйғотиш зарур», деган буюк фикрни ифода этган.